

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.28.12.2017.Tib.59.01 РАҚАМЛИ КЕНГАШ АСОСИДАГИ
БИР МАРТАЛИК ИЛМий КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ

ДАМИНОВА ШАХНОЗА БАДРИДДИНОВНА

**СУРУНКАЛИ ГЕПАТИТ В КАСАЛЛИГИ БОР БЕМОРАЛАДА ОҒИЗ
БЎШЛИҒИ АЪЗОЛАРИ КАСАЛЛИКЛАРИНИ БАШОРАТЛАШ,
ПРОФИЛАКТИКА ҚИЛИШ ВА ДАВОЛАШ**

**14.00.21 — Стоматология
14.00.10 – Юқумли касалликлар**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА
ДОКТОРЛИК (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2018

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Content of the Doctoral (DSc) Dissertation Abstract

Даминова Шахноза Бадриддиновна

Сурункали гепатит В касаллиги бор беморларда оғиз бўшлиғи
аъзолари касалликларини башоратлаш, профилактика қилиш ва
даволаш 3

Даминова Шахноза Бадриддиновна

Прогнозирование, лечение и профилактика заболеваний органов
полости рта у детей с хроническим гепатитом В 27

Daminova Shakhnoza Badriddinovna

Prediction, treatment and prophylaxis of diseases of organs of oral cavity
in children with chronic hepatitis B 49

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 53

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.28.12.2017.Tib.59.01 РАҚАМЛИ КЕНГАШ АСОСИДАГИ
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ

ДАМИНОВА ШАХНОЗА БАДРИДДИНОВНА

**СУРУНКАЛИ ГЕПАТИТ В КАСАЛЛИГИ БОР БЕМОРЛАРДА ОҒИЗ
БЎШЛИҒИ АЪЗОЛАРИ КАСАЛЛИКЛАРИНИ БАШОРАТЛАШ,
ПРОФИЛАКТИКА ҚИЛИШ ВА ДАВОЛАШ**

**14.00.21 — Стоматология
14.00.10 – Юқумли касалликлар**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА
ДОКТОРЛИК (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2018

Докторлик (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1.DSc/Tib96 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус) www.tsd1.uz веб-саҳифаси ҳамда «Ziynet» ахборот-таълим портали www.ziynet.uz манзилларига жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчилар:

Йўлдошханова Азода Сатволдиевна
тиббиёт фанлари доктори, профессор,

Иноятова Флора Ильясовна
тиббиёт фанлари доктори, профессор
ЎЗР ФА академиги

Расмий оппонентлар:

Соколович Наталия Александровна
тиббиёт фанлари доктори, профессор
(Россия Федерацияси)

Гулямов Суръат Саидвалиевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Ибадова Гульнора Алиевна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: Ёнсей университети (Сеул, Жанубий Корея)

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат стоматология институти ҳузуридаги DSc.28.12.2017.Tib.59.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «_____» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100047 Тошкент ш., Яшнобод тумани, Махтумқули кўчаси 103-уй. Тел/факс: +99871-230-20-65, факс: 230-47-99, e-mail: tdsi2016@mail.ru)

Докторлик (DSc) диссертация билан Тошкент давлат стоматология институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100047, Махтумқули кўчаси 103-уй. Тел/факс: +99871-230-20-65, факс: 230-47-99.

Диссертация автореферати 2018 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2018 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Ж.А. Ризаев

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори

Л.Э. Хасанова

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори

Л.Н. Туйчиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги бир марталик илмий семинар раиси ўринбосари, тиббиёт фанлари доктори

КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда тиббиётда парентерал вирусли гепатит касалликлари юқумли касалликлари орасида глобал муаммолардан бири ҳисобланади. Касалланиш даражасининг юқорилиги, касалликнинг сурункали холга ўтиши, ногиронлик ва ўлимга олиб келадиган муаммоларидир. Аҳоли ўртасида вирусли гепатитлар билан касалланиш кун сайин ортиб бормоқда¹. Болалар орасида В гепатит пандемия харктерига эга бўлиб, унинг нисбати барча гепатитлар орасида 1,5 дан 9% ни ташкил қилса, С гепатитининг улуши эса 31% ташкил қилади. Сурункали гепатитларни ташхислаш ва даволашнинг замонавий усуллари яратилишига қарамасдан касалликнинг сурункали шаклига ўтиши 50-80% ни ташкил қилади ва жигар сурункали касалликлари структурасида етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Эмлаш воситаларининг яратилиши ва жорий қилинишига қарамасдан Ўзбекистонда бу касаллик билан зарарланиш кун сайин ортиб бормоқда². Бу эса мамлакатимиздаги болалар ва катталар орасида нафақат жигарнинг зарарланиш, унинг асоратлари бошқа овқат ҳазм қилиш тизими аъзоларини ҳам зарарланишига олиш келиши қатор олимларнинг ишларида келтирилган. Сурункали В гепатит касаллиги бор беморларда оғиз бўшлиғи касалликларини башоратлаш, даволаш ва олдини олишга қаратилган тадбирларни ташкиллаштириш долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

Жаҳонда сурункали гепатит касаллиги бор беморларда оғиз бўшлиғи касалликларини башоратлаш, даволаш ва олдини олишга қаратилган тадбирларни юқори самарадорлигига эришиш мақсадида қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бу борада, сурункали гепатит кўзгатувчиларнинг эндоген ва экзоген омилларини, шунингдек ташқи муҳит омилларининг таъсир механизмини аниқлаш; сурункали гепатит билан оғриган бемор болаларни оғиз бўшлиғи шиллиқ қавати ва пародонт касаллиги, тишлар кариесини клиник кечишини ўзига хослиги, болалари оғиз бўшлиғи суюқлигининг таркибини ўзгариши, клиник-биокимёвий хусусиятлари, иммун-микробиологик кўрсаткичларига дори воситаларини комплекс таъсирини динамикада ўрганиш тиш карашларининг карисогенлик даражаси, эмал реминерализациясини клиник тезлигини, оғиз бўшлиғи суюқлигидаги кислота ишқорий мувозанатни, сўлак секрециясининг тезлигини, сўлак аралашмасининг ёпишқоқлигига таъсирини исботлаш зарур.

Сурункали гепатитнинг В тури билан хасталанган бемор болалар оғиз бўшлиғи аъзолари касалликларини шаклланиши ва ривожланишига ёрдам берувчи этиологик омилларни пасайтириш, сурункали гепатитли бемор болаларда оғиз бўшлиғи касалликларига қаратилган даволаш-профилактик чора-тадбирлар ва уларни умумий клиник-прогностик тадқиқотлар усуллари ишлаб чиқишни такомиллаштириш, даволаш тизими

¹ Sherlock S., 1997; Шевченко Л. М., 2002

² ЖССТ маълумотлари 2014 йил

асоратларини камайтириш ва самарадорлигини оширишга эришиш муҳим аҳамият касб этади.

Бугунги кунда мамлакатимиз тиббиёт амалиётида кенг тарқалган касалликларни бартараф қилишда, жумладан вирусли юқумли касалликларни камайтириш, сурункали гепатитли беморларда оғиз бўшлиғидаги ўзгаришларни клиник-патогенетик жиҳатларини таҳлил қилиш ва касалликни самарали даволаш тизимини яратиш, унинг асоратларини камайтириш, беморларнинг умрини узайтириш тиббиёт ходимлари олдида турган долзарб вазифалардан бири ҳисобланади. Ушбу вазифаларни мақсадли бажариш

2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси³да « аҳолига тиббий ва ижтимоий-тиббий хизмат кўрсатиш қулайлиги ҳамда сифатини оширишга, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантиришга, тиббиёт муассасаларининг моддий техника базасини мустахкамлашга йўналтирилган ҳолда соғлиқни сақлаш соҳасини, энг аввало, унинг дастлабки бўғинини, тез ва шошилишч тиббий ёрдам тизимини янада ислоҳ қилиш, оила саломатлигини мустахкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш...», кўзда тутилган. Шунингдек, турли юқумли касалликларни профилактикаси ва ташхислаш, замонавий тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтариш ва сифатли тиббий хизмат кўрсатишда замонавий технологияларни қўллашни такомиллаштириш орқали аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш орқали аҳоли ўртасида касалланиш кўрсаткичларини пасайтириш ва умр узайишини таъминлаш имконини беради.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожланиши устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи⁴. Сурункали вирусли гепатит касаллиги бор беморларда оғиз бўшлиғи касалликларини башоратлаш, самарали даволаш ва олдини олишга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, University of California, University of Texas, University of Pittsburgh (АҚШ), Goethe-University (Германия), University of British Columbia (Канада), Capital Medical University, Beijing, Institute of Infectious Diseases, (Хитой); University College London Medical School, Newcastle University (Буюк Британия), University of Pisa, University of Padova (Италии) Seoul National University (Корея), (National Taiwan University (Таиван); Тошкент тиббиёт академияси, Тошкент давлат стоматология

³Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли фармони

⁴Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи www.who.int; www.pubmed.gov, www.highwire.org, <http://www.cochranelibrary.com>; <http://www.rsl.ru>; www.biomedcentral.com. ва бошқа манбалар асосида амалга оширилди.

институти ва Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

Сурункали В гепатит касаллиги бор беморларда оғиз бўшлиғи касалликларини башоратлаш ва олдини олишнинг юқори самарадорлигига эришиш бўйича қатор, жумладан қуйидаги илмий натижалар олинган: сурункали гепатитларда HBeAg мусбат ҳолатларида интерферон ёки нуклеозид аналогларни билан даволашнинг самарадорлиги исботланган (University College London Medical School, Буюк Британия); сурункали гепатитли болаларда HBV Pre-Core мутант ҳолатида, D гепатит билан хасталанганларда, сероконверсия, HBeAg/anti-HBe ва HBeAg- манфий антигенларни катталарда ҳам сақланганлиги исботланган (University of Pisa, University of Padova (Италии); сурункали гепатитларни даволашда IFN ва LAM ДНК HBV аниқланмаган вазиятларда, сероконверсия HBeAg болалардаги иммун-толерантлик белгиларида даволаш самарадорлигини оширади (Institute of Infectious Diseases, (Хитой); сурункали В гепатитни даволашда Entecavirларни бирламчи даволашда ламивудин экспериментал даволаш самарадорлиги исботланган (Seoul National University (Жанубий Корея); сурункали В гепатит билан хасталанган болалар ва катталарда жигар фиброзининг ривожланиши исботланган (National Taiwan University (Таиван) уларнинг оғиз бўшлиғи касалликларини башоратлаш, олдини олиш ва самарали даволаш тизими яратилган (Тошкент Давлат стоматология институти, Ўзбекистон).

Дунёда сурункали гепатит В касаллиги бор беморларда оғиз бўшлиғи касалликларини башоратлаш ва олдини олишнинг юқори самарадорлигини такомиллаштириш бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: сурункали гепатитлар билан оғриган бемор болалар оғиз бўшлиғи шиллиқ қаватининг зарарланиши хусусиятларига таъсир қилувчи омилларни асослаш, болалар оғиз бўшлиғи суюқлигининг таркиби ва унга таъсир кўрсатадиган омилларни исботлаш, сурункали гепатит билан хасталанган оғиз бўшлиғи шиллиқ қавати касалликлари бор болаларнинг қон таркибининг биокимёвий ва иммуно-микробиологик кўраткичларига ижобий таъсир кўрсатадиган дори воситаларининг комплекс таъсирини асослаш, тиш эмали реминерализациясининг сусайиши, оғиз бўшлиғи суюқлиги кислоталилигининг ўзгариши, сўлак ёпишқоқлигига таъсир қилувчи омилларни пасайтиришга қаратилган даволаш профилактик чора-тадбирларни такомиллаштириш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ҳозирги кунда адабиётларда жигарнинг сурункали касалликларида оғиз бўшлиғи шиллиқ қаватининг шикастланиш хусусиятларини ўрганишга бағишланган қатор мақолалар мавжуд. Масалан, сурункали вирусли гепатит ва жигар циррози билан касалланган беморларда оғиз бўшлиғи шиллиқ қавати ва пародонтнинг шикастланиш даражаси ва характери вируснинг тури, вирусли юклама ва жигардаги жараёнларнинг фаоллигига боғлиқлиги исботланган. Аниқландики, В вируси келтириб чиқарган сурункали гепатит ва жигар циррозида оғиз бўшлиғи шиллиқ қавати ва пародонт тўқимасида жуда оғир

дистрофик ва яллиғланишли ўзгаришлар С вирусига нисбатан кўпроқ кузатилади. (З.К.Ахророва, 2011).

Сурункали гепатит В ва С, ҳамда жигар циррози билан касалланган беморларда оғиз бўшлиғи шиллиқ қаватининг бузилишлари баён этилган (Sulka A. et al., 2006; Olczak-Kowalczyk D et al, 2018).

Пародонтнинг оғирлик ва тарқалганлик даражаси турли хил бўлган сурункали яллиғланиш касалликлари HBV-инфекцияси, айниқса унинг сурункали шакллари ва HCV ко-инфекцияси билан касалланган беморларда оғир асоратли кечиши аниқланди (Ю.В.Фазилова, 2005).

Ўзбекистон Республикасида бугунги кунгача сурункали вирусли жигар касалликлари билан стоматологик касалликлар ўртасида ўзаро боғлиқликни ўрганиш бўйича комплекс текширувлар ўтказилмаган. Сурункали гепатитларни ўрганишга йўналтирилган санокли илмий ишлар мавжуд, аммо улар асосан жигарнинг ўткир вирусли шикастланиши билан, ва жигарнинг сурункали шикастланишининг барча турлари билан касалланган беморлар гуруҳини қисман қамраб олган (О.С.Йулдошханова, 1996).

Оғиз бўшлиғи касалликларининг сурункали вирусли гепатит В билан бирга кечганда уларни эрта ташхислаш ва адекват даволаш масалалари етарлича ўрганилмасдан қолмоқда. Тадқиқотчилар ўртасида болаларнинг ушбу контингенти диспансеризация қилиш муддатлари ва хусусиятлари ҳақида ягона фикр мавжуд эмас, руҳий соматик типини ҳисобга олган ҳолда бундай беморларни олиб бориш тактикасининг алгоритмини ишлаб чиқиш зарур.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Тошкент давлат стоматология институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Болаларда оғиз бўшлиғи ва юз-жағ соҳаси касалликларини олдини олиш, даволашнинг янги самарали усулларини ишлаб чиқиш, такомиллаштириш ва тадбиқ қилиш» мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади сурункали гепатит В касаллиги бор болаларда клиник-иммун-микробиологик статусини таҳлили асосида оғиз бўшлиғи аъзолари касалликларини олдини олиш ва даволаш алгоритмларини ишлаб чиқиш, ҳамда даво-профилактик чора-тадбирлари тактикасини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

СГВ билан касалланган болаларда тишлар кариеси, пародонт ва оғиз бўшлиғи шиллиқ қавати касалликларининг учраш даражаси, ҳамда клиник кечиш хусусиятларини аниқлаш.

СГВ билан касалланган болаларда оғиз суюқлигининг (сўлак) клиник-биокимёвий хусусиятлари ва таркибини аниқлаш.

СГВ билан касалланган ва оғиз бўшлиғи касалликлари бўлган бемор болаларда оғиз бўшлиғи суюқлиги (сўлак) ва қоннинг иммунологик ҳолатидаги ўзгаришларни таҳлил қилиш.

СГВ билан касалланган болаларда жигардаги патологик жараён фаоллиги даражасига боғлиқ равишда клиник кўрсаткичларнинг оғиз бўшлиғи микрофлораси билан боғлиқлигини аниқлаш.

СГВ билан касалланган болаларда оғиз бўшлиғи аъзолари касалликларининг ривожланишини шакллантирувчи ва кўмаклашувчи этиологик омилларни камайтиришга йўналтирилган даволаш-профилактик чора-тадбирлари мажмуасини ишлаб чиқиш ва асослаш.

СГВ билан касалланган болаларда оғиз бўшлиғининг клиник-иммунологик, микробиологик кўрсаткичларига дори воситалари мажмуасининг таъсирини динамикада баҳолаш.

СГВда оғиз бўшлиғи касалликлари билан оғриган болаларда клиник-прогностик усуллар ва даволаш-профилактик чора-тадбирлари алгоритмларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти СГВ билан бирга оғиз бўшлиғи касалликлари мавжуд 5 ёшдан 15 ёшгача бўлган 320 нафар бемор болалар ва худди шу ёшдаги амалий жиҳатдан соғлом, ҳамда СГВ ва оғиз бўшлиғи касалликлари билан касал бўлмаган 20 нафар бола олинган.

Тадқиқотнинг предмети этиб стоматологик, иммунологик ва биокимёвий кўрсаткичларни аниқлаш учун доимий тишлар, оғиз бўшлиғи шиллиқ қавати, милк, дори воситалари, оғиз бўшлиғи суюқлиги, веноз қон ва қон зардобини, ва оғиз бўшлиғида микробиоценозини ўрганиш учун олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот вазифаларини ҳал этиш ва мақсадга эришиш учун илмий ишда умумклиник, биокимёвий, иммунологик, бактериологик, стоматологик ва статистик усуллар қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат: илк бор сурункали В гепатити билан касалланган болаларнинг стоматологик ҳолатига клиник-биокимёвий, иммун-микробиологик, цитологик баҳо берилиб, асосий стоматологик касалликларнинг кечиш хусусиятлари аниқланган;

сурункали гепатит В фонида оғиз бўшлиғи аъзоларининг микробиоценози ҳолати ва унинг физиологик ўз-ўзини тозалаш жараёнлари даражаси ва мазкур ҳолатнинг ўзаро алоқадорлиги эса жигарда патологик жараёнларни реактивациясига олиб келиши исботланган;

илк бор сурункали В гепатити билан касалланган болаларда оғиз суюқлигида (сўлакда) эндотелий билан биорегулятор жараёнларнинг ўзаро боғлиқлиги исботланган;

кариес, пародонт касалликлари ва гепатит В билан касалланган болаларда НО-тизими ва биорегулятор жараёнлари ўртасидаги ўзаро муносабатлар бузилишлари ва характеридаги қонуниятлар асосида қўшимча ташхислаш ва башоратлаш, даволаш самарадорлигини баҳолаш мезонлари сифатида қўллаш имкони асосланган;

прогностик мезонларнинг эрта аниқланиши кариес ва пародонт касалликларининг касалликнинг узок давом этадиган шаклига ўтиш хавфи бўйича бемор болалар гуруҳини ажратиш тизимини шакллантирилган;

сурункали гепатит В билан касалланган болаларда оғиз бўшлиғи касалликлари ривожланишини даволаш, олдини олиш ва прогнозлашда ўтказилган тадқиқотлар натижалари замонавий стоматологик ёндашувларни ишлаб чиқишнинг механизми такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

сурункали гепатит В билан касалланган болаларда тишлар кариесининг, пародонт ва оғиз бўшлиғи шиллиқ қавати касалликлари ривожланишининг асосий патогенетик омилларини текшириш усуллари алгоритми шакллантирилди, шунингдек бемор болаларда асосий стоматологик касалликларни даволаш ва профилактикасини такомиллаштириш имконини берадиган даволаш-профилактик тадбирлар алгоритми тузилган;

Олинган маълумотлар СГВ билан касалланган болаларда стоматологик даволаш-профилактик чора-тадбирларни режалаштириш ва амалга ошириш учун соғлиқни сақлаш амалиётида қўлланилиши мумкинлиги аниқланган;

сурункали гепатит В билан касалланган болаларда асосий стоматологик касалликларни текшириш ва комплекс-профилактик даволаш бўйича таклиф этилган алгоритмлар ўрганилаётган касалликларни даволашнинг самарадорлигини ошириш, ремиссия муддатларини узайтириш, асосий касаллик рецидивларини ва стоматологик касалликлар асоратларини камайтириш имконини берган;

Оғиз бўшлиғи аъзолари касалликларининг ривожланиш хавфини олдини олиш, шунингдек СГВ билан касалланган болаларда даво-профилактик тадбирларни такомиллаштириш хусусиятига эга бўлган ҳамда патогенетик даволашга йўналтирилган танлов учун турли дори воситаларининг (Глуфторед, Виферон, Эльгидиум, Элюдрил, Пародиум) терапевтик самарадорлиги аниқланди.

СГВ билан касалланган болаларда оғиз бўшлиғи аъзолари касалликларини ўтказилган комплекс даволаш ва профилактика чора-тадбирларига баҳо берилди, шунингдек даволаш самарадорлиги ва сифатини ошириш, пародонт ва оғиз бўшлиғи шиллиқ қаватидаги яллиғланиш реакцияларининг бартараф этиш муддатларини қисқартириш, кариес ривожланишини камайтириш, ҳамда стоматологик касалликлари рецидивларининг бирламчи профилактикасини амалга ошириш имконини берувчи ишлаб чиқилган даволаш-профилактик мажмуасини қўлланилиши асослаб берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган назарий ёндошув ва усуллар, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, тадқиқот объектларнинг етарли эканлиги, беморлар сонини етарлилиги, клиник, клиник-лаборатор, клиник-функционал, иммунологик, микробиологик усуллар ёрдамида ишлов берилганлиги, сурункали гепатит В касаллиги бор беморларда оғиз бўшлиғи касалликларини башоратлаш, даволаш ва олдини олишга қартилган тадбирларни баҳолашда статистик текшириш усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, олинган натижаларнинг халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса, олинган

натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Олинган натижаларнинг илмий аҳамияти сурункали гепатит В билан касалланган болаларда оғиз бўшлиғи касалликларининг асосий клиник кўринишларини аниқлашнинг муҳимлигини илмий асослаш; амалий шифокор-стоматологларга эрта босқичларда жигарнинг сурункали касалликларини тахмин қилиш имкониятини берувчи асосий клиник маркерларни белгилаб беришдан иборат.

Ишнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, СГВ фонида оғиз бўшлиғи касалликлари бўлган болаларда стоматологик даволаш тактикасини танлашнинг такомиллаштирилган ёндошувлари амалиётга тадбиқ этиш учун ишлаб чиқилган ва таклиф этилган, бу даволашнинг клиник, иммунологик ва стоматологик самарадорлигини ошириш, оғиз бўшлиғининг сурункали касалликларини шаклланиш хавфини камайтириш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши: сурункали гепатит В касаллиги бор беморларда оғиз бўшлиғи касалликларини башоратлаш, даволаш ва олдини олишга қаратилган тадбирларнинг самарадорлигини баҳолаш бўйича олинган натижалар асосида:

«Факультет болалар терапевтик стоматологияси» ўқув қўлланмаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2015 йил 01 декабрдаги 8 д-з/68-сон маълумотномаси). Мазкур ўқув қўлланма стоматология врачлари ва магистр-талабаларининг, ҳамда талабаларги оғиз бўшлиғи касалликларни ташхислаш ва даволаш, олдини олишни башоратлаш бўйича билимларини ошириш имконини берган;

«Медицинская микробиология, вирусология и иммунология» дарслиги ва «Stomatologiyada klinik mikrobiologiya» услубий қўлланмаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2016 йил 6 октябрдаги 8Н-р/141-сон маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма оғиз бўшлиғи микроблар турини аниқлаш орқали касалликни замонавий ташхислаш ва даволаш тизимини тадбиқ қилиш имконини берган;

«Болаларда стоматологик касалликларни олдини олиш» услубий қўлланмаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2017 йил 28 декабрдаги 8Н-р/204-сон маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма сурункали гепатитлар билан хасталанган оғиз бўшлиғи касалликларни ташхислаш ва даволашнинг замонавий тизимлари, ҳамда олдини олиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш имконини берган;

«Болаларда тишлар кариесининг замонавий концепцияси» услубий қўлланмаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2017 йил 28 декабрдаги 8Н-р/203-сон маълумотномаси). Мазкур ўқув қўлланма стоматология врачлари ва магистр-талабаларининг оғиз бўшлиғи касалликларини ташхислаш ва даволаш, олдини олишни башоратлаш имконини берган;

«Оғиз бўшлиғи шахсий гигиенаси замонавий воситалари» услубий қўлланмаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2017 йил 29 декабрдаги 8Н-д/75-сон маълумотномаси). Мазкур ўқув қўлланма стоматология врачлари ва магистр-талабалари, ҳамда талабаларги оғиз бўшлиғи касалликларини ташхислаш, даволаш ва олдини олишни башоратлаш бўйича тиббий билимларини ошириш имконини берган;

сурункали гепатит В касаллиги бор беморлар оғиз бўшлиғи касалликларини даволаш ва олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Республика педиатрия илмий- амалий тиббиёт маркази, Тошкент Давлат стоматология институти, Тошкент шаҳар 3-болалар стоматологик поликлиникасининг клиник амалиётига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2017 йил 29 декабрдаги 8Н-д/75-сон маълумотномаси). Олинган илмий натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши кариес ривожланишини 25%га, пародонт касалликларини 32%га камайтириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 19 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокомадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 52 та илмий иш, шундан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 20 та илмий мақола, жумладан 16 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, етти та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 189 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари шакллантирилган, объект ва предметлари тавсифланган, республикада фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти ёритилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Болаларда оғиз бўшлиғи касалликлари билан сурункали вирусли В гепатитнинг ўзаро боғлиқлиги ҳақида замонавий тасаввурлар**» деб номланган биринчи бобида болаларда вирусли гепатит В нинг оғиз бўшлиғи шиллиқ қавати ҳолатига ва оғиз бўшлиғи касалликларининг ривожланишига таъсири, ВГВ сурункали инфекцияси фонида оғиз бўшлиғи касалликларини (кариес, пародонт шикастланиши, турли этиологияли стоматитлар ва б.) ташхислаш ва даволаш усуллари,

СГВда оғиз бўшлиғи касалликлари ривожланишини прогнозлашдаги ёндошувлар, оғиз бўшлиғи касалликларини ҳамда болалар ўртасида санитария-оқартирув ишларини олиб бориш хусусиятларини ўз ичига олган профилактика усуллари ҳақидаги замонавий маълумотлар таҳлил қилинган, шунингдек, мазкур муаммонинг ҳал этилмаган ёки аниқлик талаб этиладиган жиҳатлари белгиланган.

Диссертациянинг «**Болаларда оғиз бўшлиғи касалликлари билан сурункали вирусли В гепатитни баҳолаш материал ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот материали ва усуллари баён этилган. Тадқиқот 2005-2011 йилларда ўтказилган. Клиник материални тўплаш ЎзР ССВ Педиатрия РИИАТМ гепатологик маркази ва поликлиникаси базасида амалга оширилган.

Тадқиқот объекти этиб СГВ билан касалланган 5 ёшдан 15 ёшгача бўлган 320 нафар бемор болалар маълумотлари олинди. Шунингдек, худди шу ёшдаги 20 нафар амалий жиҳатдан соғлом бола ва оғиз бўшлиғи касалликлари бўлмаган СГВ билан касалланган 20 нафар бемор болалар (назорат гуруҳи) текширилган. Текширувдаги барча бемор болалар умумий сонидан ўғил болалар 216 нафарни (67,5%), қиз болалар – 104 нафарни (32,5%) ташкил этди. Беморларнинг катта қисмини кичик мактаб ёшидаги болалар (5-7 ёш) – 125 нафар болалар (39,1%) ва ўрта мактаб ёшидаги (8-11 ёш) - 139 нафар бола (43,4%); 11-15 ёшдаги болалар 17,5% ни (56 нафар) ташкил этди.

Текширилган беморларнинг барчаси стоматология ва гепатология амалиётида умумқабул қилинган чуқур клиник-лаборатор текширувдан ўтказилган.

СГВ ташҳиси ЎзР ССВнинг 5.01.2012 йилдаги 5-сонли «Республикада вирусли гепатитлар билан курашишни такомиллаштириш бўйича чоратадбирлар ҳақида»ги буйруғи асосида ва гепатологларнинг Бутун Жаҳон Конгрессида (Лос-Анжелес, 1994) қабул қилинган таснифга асосан қўйилган.

Стандарт биокимёвий кўрсаткичлар ЎзР ССВ Педиатрия РИИАТМ экспериментал-лаборатория бўлимида аниқланган.

Серологик усуллар ЎзР ССВ Педиатрия РИИАТМ лаборатор-экспериментал ташҳислаш бўлимида “Farmas group” (Финляндия), “Pharmacia diagnostic” (Швеция), тест-тизим “Roche” (Швейцария) фирмаларининг тижорат тўпламлари ёрдамида беморлар қон зардобиди ИФА усулида HBsAg, анти-HBs, HBeAg, анти-HBe, анти-HB-соғ маркерларини аниқлашни ўз ичига олган. Сурункали вирусли микст гепатитларни истисно қилиш мақсадида қўшимча анти-HCV, анти-HAV ва анти-HDV каби бошқа маркерлар текшируви ўтказилди. Ташҳиснинг якуний тасдиғи ПЗР – (DNA HBV аниқлаш) текширув ўтказилгандан кейин амалга оширилган.

Сурункали гепатит ташҳисини тасдиқлаш учун жигар, талоқ ва ўт ажратиш йўллари ультратовуш текшируви “Toshiba” (Япония) фирмасининг SAL-35A аппаратида ўтказилган.

Комплекс стоматологик текширувлар ўз ичига қуйидагиларни олди: бемор шикоятларини аниқлаш, анамнез йиғиш, визуал кўрик, шунингдек

қуйидаги кўрсаткичлар: оғиз бўшлиғи гигиенаси индекси ОНІ-S (Green J.C., Vermillion J.R., 1964), караш индексининг шкаласи КПУ, КПУ+кп (Debris Index, DI-S), тиш тоши индексининг шкаласи (Calculus Index, CI-S), РМА индекси, пародонтал индекс СРІТN (Ainamo, Barmes, Beagrie et al., 1982), КОСРЭ-тест (В.К.Леонтьев усули бўйича), юмшоқ тиш карашининг ҳосил бўлиш тезлиги (З.А. Ярошкин усули бўйича), тиш карашининг кариесогенлиги (J.A. Hardwick усули бўйича), саливация ҳажми (Т.Л. Рединова, А.Р. Поздеев 1994), аралаш сўлак ёпишқоқлиги (Освальд усули бўйича), оғиз бўшлиғида кислота-ишқорий мувозанат ҳолати (рН) (универсал индикаторли чизиклар ёрдамида (рН 0-12)), «LACHEMA» (NERATOVICE) ишлаб чиқарган, эмалнинг ўчоғли деминерализациясини текшириш, доғларнинг бўялиш жадаллигининг даражаси (Л.А.Аксамит усули бўйича, ўн майдонли градацион шкала бўйича %да).

Микробиологик текширувлар: микроорганизмларнинг адгезивлик хусусиятларини ўрганиш В.И.Брилис ва ҳаммуалифлари, (1986) услуги бўйича ўтказилди. Лактобактерияларнинг лизоцимсимон ферментларни ишлаб чиқариш хусусиятларини ўрганиш А.А.Ленцнера ва ҳаммуалифлари, (1975). услуги бўйича ўтказилди. Лактобактерияларнинг антибиотикларга сезгирлиги стандарт индикаторли дисклардан фойдаланган ҳолда (С.М. Навашин, И.П.Фомина, 1982) агарда диффузия усулида аниқланди. Текшириладиган культураларнинг бактериоциногенлигини Б.Я. Усвятцов модификациясидаги (1967) Мюррея-Шервуде (1979) услуги бўйича аниқланди.

Иммунологик текшириш усуллари. Сўлакда нейтрофилларнинг фагоцитар фаоллигини аниқлаш учун уни йиғиш ва ишлов бериш А.В. Антонов модификациядаги (1996) М.А. Темурбаев (1984) услуги бўйича ўтказилди.


Сўлакдаги лизоцим фаоллиги стерил қоғозли дисклардан фойдаланган ҳолда Ш.Р. Алиев (1994) томонидан таклиф этилган услуб ёрдамида аниқланган. Секретор фракциядаги А синфига мансуб иммуноглобулинлар Манчини (1964) усулида аниқланган. sIgA даражаси «Цитокин» ООБ (РФ, С.-Петербург) ва «Вектор-Бест» ЁАЖ (Новосибирск) иммуноферментли тест-тизимлар ёрдамида қаттиқ фазали иммунофермент таҳлил усулида аниқланган.



1-расм. СГВ билан касалланган болаларни текшириш мониторинги

Ўтказилган тадқиқотлар асосида сурункали гепатит билан оғиз бўшлиғи аъзолари касалликлари бирга кечган болаларни текшириш мониторинги тузилди. Тузилган текшириш мониторингини қўллаш бемор болаларни тўла қонли, тизимли текширишга ёрдам беради, ҳамда оғиз бўшлиғи аъзоларининг касалликлари ва сурункали гепатит В ривожланишини эрта ташҳислаш имконини беради. (1-расм).

СГВ билан касалланган бемор болаларни стоматологик даволаш усуллари хлоргексидин сақловчи дори воситаларидан “Элюдрил”, “Эльгидиум”, “Пародиум”, тишнинг каттиқ тўқимасини “Глуфторэд” дори воситаси билан ишлов беришда турли даволаш схемаларини қўллаш самарадорлигини баҳолашни ўз ичига олади (2-расм).



2-расм. Даволаш гуруҳлари бўйича болаларнинг тақсимланиши

Чуқур фторлаш ўтказишнинг кейинги курси биз томондан таклиф этилган: тишларга “Глуфторэд” дори воситаси билан ишлов бериш кунига

5-6 марта кунора 12-14 кун давомида ўтказилади. Даволаш курсини қарор қилиш кечилишининг жадаллигига қараб 6 ой ва 1 йилдан кейин такрорлаш мумкин.

Стоматологик даво асосий касаллик СГВни базисли даволаш фонида ўтказилди.

Таклиф этилган даво: “Глуфторэд” дори воситаси билан тиш қаттиқ тўқимасини чуқур фторлаш, оғиз бўшлиғини “Элюдрил” эритмаси билан ҳар бир овқат қабулидан сўнг чайиш, кейинчалик милкларнинг юқори қонаши кузатилган болаларда милкларни “Пародиум” гели билан аппликациялашни ўз ичига олади. Оғиз бўшлиғи гигиенасига кунига 2 марта эрталаб ва кечқурун “Эльгидиум” тиш пастаси ва “Эльгидиум” тиш чўткаси билан клиник стандарт усуллар ёрдамида риоя қилинди, ОБШҚда вирусли тошмаларнинг олдини олиш учун кечасига “Виферон” малҳами билан ОБШҚ аппликацияси бажарилди.

Статистик усуллар: ўртача арифметик, унинг хатоликлари ва имкониятлар муносабатининг (ИМ) ишончли интерваллари (ИИ) чегаралари 95% эҳтимоллик билан ҳисобланди. Ҳисоб-китоблар IBMPC типда ҳисобловчи техникада ўтказилган.

Диссертациянинг «СГВ билан касалланган болаларда оғиз бўшлиғи аъзоларининг ҳолати» деб номланган учинчи бобда клиник белгилар ҳам СВГ томонидан, ҳам стоматологик симптоматика нуқтаи назаридан таҳлил қилинган. Аниқландики, СГВ билан касалланган болаларда астеновегетатив ва диспепсик синдромлар устунлик қилган. Жигардан ташқари белгилар, яъни ёноқлардаги капилляр тўрлар, қўқрак ва қоринда венозли коллатераллар, «пальмарли эритема» 57,6% беморларда аниқланган. Геморрагик синдром бурундан ва милкдан қон кетиш кўринишида 44,2% болада пайдо бўлган.


Асосий гуруҳдаги барча болаларда жигарнинг биокимёвий синамалари кўрсаткичлари амалий жиҳатдан соғлом шахслар билан солиштирилганда ишонарли даражада юқори бўлган ($P < 0,05$ - $P < 0,001$). АлАТ миқдори бемор болаларда соғлом болаларга нисбатан 4,6 марта ва ОБАК бўлмаган болаларга нисбатан 7,8 марта юқори бўлган. АсАТнинг ўртача қиймати касалликларнинг қўшилиб кечиши қайд этилган беморларда назорат гуруҳи болалари кўрсаткичларига нисбатан 5,7 баробар ва ОБАК бўлмаган болаларга нисбатан 1,61 баробар юқори бўлган.

Умумий билирубиннинг миқдори касалликларнинг қўшилиб кечиши қайд этилган болаларда назорат гуруҳи болаларига нисбатан 3,9 баробар ($P < 0,001$) ва ОБАК бўлмаган болаларга нисбатан 1,5 баробар мос равишда юқори бўлган ($P < 0,01$). Асосий гуруҳдаги болалар қон зардобиди СМП миқдори ўртача $1,23 \pm 0,07$ шартли бирликни ташкил этди ва СГВ билан касалланган беморларда шундай кўрсаткичлари ишонарли даражада ошган, ҳамда $0,76 \pm 0,08$ шартли бирликни ташкил этди ($P < 0,001$).

Умумий ЛДГ фоаллигининг юқори даражада ошиши ҳамкор касалликлари бўлган болаларда кузатилди. ЛДГ-4 ва ЛДГ-5ларнинг юқори даражада ошиши ҳамкор касалликларда беморларда – $22,4 \pm 2,7\%$ ва $25,8 \pm 2,14\%$ мос равишда. Ҳамкор касалликлари бўлган беморларда ЛДГ-4 ва

ЛДГ-5 миқдори соғлом болалар маълумотларига солиштирилганда 4 ва 9,2 баробар юқори бўлган ва СВГда 1,3 ва 1,4 баробарга мос равишда кўтарилган ($P < 0,01$).

Таҳлил СВГ билан касалланган болаларда тишлар кариесининг учраши юқори фоизларда эканлигини – 100% кўрсатди. Назорат гуруҳига солиштирилганда тишлар кариесининг жадаллиги СВГ билан касалланган болаларда сезиларли даражада – 1,86 баробар ва амалий соғлом болаларга нисбатан 1,79 баробар юқори бўлган.



3-расм. СВГ билан касалланган болаларда тишлар кариеси шикастланиш жадаллигининг кўрсаткичлари.

СВГ билан касалланган болаларда оғиз бўшлиғининг кўриги ва уни чуқур ўрганиш натижасида аниқландики, КПУ, КПУ+кп индекси юқори кийматларда бўлди, бу бемор болалар оғиз бўшлиғида тишлар кариесининг юқори жадаллигидан ва кариесогенлик ривожланиши ҳолатидан далолат беради (3-расм). СВГ билан касалланган болалар гуруҳида КПУ ўртача киймати $2,38 \pm 0,05$ ни, назорат гуруҳида эса мос равишда $1,68 \pm 0,03$ ни, КПУ+кп эса $4,76 \pm 0,07$ ни, ҳамда КПУ+кп $2,68 \pm 0,04$ ни ($p < 0,1-0,001$) ташкил этди, бу эса мос равишда амалий соғлом болалар кўрсаткичларидан ишонарли юқори.

Биз томонимиздан аниқландики, гепатит билан касалланган беморларда КПУ индексида асосий тузилма бирлиги бўлиб К кўрсаткичи, яъни кариес ва унинг асоратлари ҳисобланади. Эмалнинг ўчоғли деминерализацияси тарқалганлиги – 26,4%, жадаллиги $0,7 \pm 0,04$ бўлиб, бу назорат гуруҳига нисбатан ишонарли юқори кўрсаткич ҳисобланади, яъни касалликнинг фаоллиги қанча юқори бўлса, СВГ билан касалланган болаларда ЭЎД индекси шунча юқорилиги аниқланди.

Аралаш сўлакнинг физик-кимёвий хусусиятларини ўрганиш борасида бемор болаларда соғлом болаларга нисбатан ўрганилаётган кўрсаткичларда сезиларли патологик силжишлар борлиги аниқланди. Аралаш сўлакнинг ёпишқоқлиги барча ёшдаги беморлар гуруҳида назорат гуруҳи билан солиштирилганда ишонарли даражада юқори бўлган.

Энг юқори кўрсаткич 8-11 ёшдаги беморларда аниқланган ва 4,15 ни ташкил этган, назорат гуруҳида эса ушбу кўрсаткич 1,5га тенг бўлди.

Оғиз суюқлиги ёпишқоқлигининг юқори кўрсаткичлари сўлак секрециясининг камайиши билан бирга кечиши СГВ билан касалланган болаларда сўлак безларининг секретор фаолиятининг бузилишидан далолат беради. Тиш эмали реминерализациясининг клиник тезлигини КОСРЭ-тест кўрсаткичлари бўйича аниқланди. Текширишда барча бемор болалар гуруҳларида соғломларга нисбатан тиш эмали реминерализациясининг тезлиги 1,6 -1,8 баробар пасайиши кузатилди, бу эса тишларда кўплаб кариес ривожланишидан далолат берувчи прогностик тест ҳисобланади.


Оғиз бўшлиғининг кислота-ишқорий мувозанатини бемор болаларда аралаш сўлакдаги рН кўрсаткичлари бўйича ўрганиш назорат гуруҳига нисбатан ишонарли паст бўлган ва 7,0 ни ташкил этди, СГВ билан касалланган болаларда ўртача 6,1 ни ташкил этди, бу аралаш сўлакдаги кислота-ишқорий мувозанатни ацидоз томонига силжишидан далолат беради.

РН, ССТнинг бир вақтда пасайиши билан сўлак ёпишқоқлигининг ошиши бевосита корреляцион боғлиқликда бўлиб, оғиз бўшлиғини физиологик ўзи-ўзини тозалаш жараёнларини ёмонлашувига ва сусайишига олиб келади, ҳамда кариесоген ҳолат ривожланишининг юқори хавфини башорат қилади.

Бемор болаларда оғиз бўшлиғи аъзолари касалликларини юқори даражада учраши, айниқса оғиз бўшлиғи шиллиқ қаватида замбуруғли зарарланишларнинг ортиши кузатилади. Асосий гуруҳ болаларида кариеснинг қайд этилиш даражаси 100%ни (78% назорат гуруҳи), гингивитнинг – 95,7%ни (25% назорат гуруҳи), пародонтитнинг – 8,75%ни (назорат гуруҳида пародонтит қайд этилмаган) ташкил этди.

Оғиз бўшлиғи суюқлигининг физик-кимёвий хусусиятларини ўрганиш эмалнинг деминерализациясига ва тишлар караши кариесогенлигининг ошишига олиб келади. Тишлар караши кариесогенлиги эмалнинг деминерализация даражасига бевосита корреляцион боғлиқликда бўлади, бу эса бемор болаларда тишларнинг кариес билан юқори даражада шикастланишига олиб келади.

Эмал деминерализациясининг енгил даражасида тишлар карашининг кариесогенлиги 20% ҳолатда аниқланди, ўртача даражасида –69,9% ҳолатда юқори кариесоген фаолликда бўлган. Эмал деминерализациясининг юқори даражасида барча текширувдаги бемор болаларда тиш карашининг юқори кариесоген фаоллиги мавжудлиги аниқланди. 14,5% - енгил даражадаги эмалнинг деминерализацияси, 54,5% – ўртача ва 30,9% – тиш эмалининг юқори даражадаги деминерализацияси аниқланди (4-расм).



4-расм. Тиш карашининг кариесогенлиги ва эмал деминерализациясининг даражалари, %.

Диссертациянинг «СГВ билан касалланган болаларда оғиз бўшлиғи микробиоценози ва носпецифик ҳимоя омиллари» деб номланган тўртинчи бобда ҳам соғлом, ҳамда сурункали вирусли гепатит В билан касалланган бемор болалар оғиз бўшлиғининг милк, тил юзаси, лунж ва танглай соҳаларида колонизацион чидамлилик ҳолатини ўрганишдаги натижалар келтирилган.


СГВ билан касалланган болаларда ҳам анаэробли ҳам факультатив флорада сезиларли силжишлар кузатилади. Микробларнинг анаэробли гуруҳида уларнинг ишонарли камайиши кузатилади, айниқса бу ҳол лактобактерияларда яққол намоён бўлади, уларнинг миқдори $lg 2,10 \pm 0,1$ КОЕ/мл, бу кўрсаткич назорат кўрсаткичларига нисбатан 2 марта пастдир. Шу билан бир вақтнинг ўзида микробларнинг факультатив гуруҳларида яққол ишонарли силжишлар юзага келади (5-расм).

Граммусбат коккли флора орасида *Str.salivarius* миқдорининг камайиши кузатилади, бунинг фонида *Str.mutans* ва *amitis* ўсишининг ортиши аниқланди. Бироқ коккли флора муносабатида бошқа бир ўзгариш бор, бу тилла рангли стафилококк ва пиоген стрептококк штамmlарининг ўсиши пайдо бўлади. Улар патогенлик ферментларининг катта намунасига эгадирлар, бу оғиз бўшлиғи ҳолатининг мониторингини белгилайди. Грамманфий флора орасида эшерихиялар ва протейлар миқдорларининг ортиши кузатилади.

СГВ билан касалланган болаларда учраш даражаси бўйича устунлик ҳолати Кандида турига мансуб замбуруғлар (90%), протейлар (60%), тилла рангли стафилококк (60%) каби микробларга хос. Шуниси қизиққи, мазкур болаларда стрептококклар устунлик аҳамиятини йўқотган, бу эҳтимол, микроорганизмлар ўртасида ўзаро антогонистик кураш билан боғлиқдир

Болаларнинг оғиз бўшлиғини микробиологик текшириш натижасида лактобациллаларнинг 560 штамлари аниқланди. Шудан 190 штамм 43 нафар клиник соғлом болалардан, 370 таси эса – 72 нафар СГВ билан касалланган бемор болалардан ажратиб олинган. Бунда оғиз суюқлигининг лактофлораси ҳам беморларда, ҳамда соғлом болаларда кўпчилик ҳолатларда (97%) лактобактерияларнинг 5 та тури: *L.acidophilus*, *L.fermentum*, *L.plantarum*, *L.casei*, *L.rhamnosus* намоён бўлган ва фақат алоҳида ҳолатларда *L.crispatus*, *L.salivarius* аниқланган, биз уларни ҳисобга олмадик. Шу билан бирга беморларда ҳамда соғлом болаларда лактофлоранинг тур бўйича таркибидаги, яъни штаммлар айрим турларининг нисбий улуши пасайиши ва бошқаларининг ортишини ифодаловчи миқдорий фарқлар аниқланди.

Соғлом болаларда культура ўсиб чиқишнинг энг паст кўрсаткичи *L.rhamnosus*да қайд этилган, у $3,0 \pm 0,15$ IgKOE/мл ни ташкил этди. Шу вақтнинг ўзида СГВ билан касалланган бемор болаларда *L.acidophilus*, *L.fermentum*, *L.plantarum* колония ҳосил қилувчи бирликларнинг сезиларли пасайиши кузатилади, уларнинг микробли ўсиб чиқиши кўрсаткичлари мос равишда $2,33 \pm 0,33$ IgKOE/мл, $3,0 \pm 0,15$ IgKOE/мл ва $4,67 \pm 0,33$ IgKOE/мл тенг бўлган. *L.causei* турларида микроорганизмларнинг ўсиб чиқиши $4,0 \pm 0,23$ IgKOE/мл тенг бўлган ва *L.rhamnosus* $3,5 \pm 0,5$ IgKOE/мл тенг бўлган, яъни деярли ўзгармаган.



5-расм Текширилган болаларнинг оғиз бўшлиғида микробларнинг учраш спектри ва частотаси .

Оғиз бўшлиғининг маҳаллий ҳимоя омиллари ҳолати ўрганилди. Бунда: лизоцим титри, фагоцитоз кўрсаткичи ва А синфига мансуб секретор иммуноглобулинлар миқдори (sIgA) ўрганилди.

Асосий гуруҳ болаларининг оғиз бўшлиғида барча ўрганилаётган кўрсаткичлар бўйича иммунтанқислик кузатилди. Бунда лизоцим титри бу беморларда $13,70 \pm 0,50$ мг% ни, фагоцитоз кўрсаткичи - $42,9 \pm 1,4\%$ ни ташкил этган, секретор иммуноглобулинларнинг миқдори $1,20 \pm 0,11$ г/лга тенг бўлган. Ушбу рақамларга асосланган ҳолда барча ўрганилаётган кўрсаткичлар орасида энг танқис кўрсаткич бу фагоцитоз кўрсаткичи эканлигини тахмин қилиш мумкин. Гепатит В вируси, шунингдек одамнинг бошқа патоген вируслари каби иммунодепрессив таъсир кўрсатади ва

нафақат умумий иммунитет тизимида иммун танқисликни чақиради, балки оғиз бўшлиғининг маҳаллий ҳимоя омилларига ҳам салбий таъсир кўрсатади. Эҳтимол, иммунитетнинг барча кўрсаткичларини бутунлай, ҳам хужайравий, ҳам гуморал пасайиши мазкур беморлар оғиз бўшлиғида микробларнинг ортиқча ўсиши синдромига олиб келади.

Диссертациянинг «СГВ ва оғиз бўшлиғи аъзоларининг бирга кечадиган касалликлари билан касалланган беморларда анъанавий ва таклиф этилган даво-профилактик стоматологик чора-тадбирлар мажмуасининг самарадорлиги» деб номланган бешинчи боби СГВ билан касалланган болаларда оғиз бўшлиғи шикастланишларини турли даволаш схемаларининг самарадорлигини қиёсий баҳолашга бағишланган.

Бирга кечадиган касалликларда беморларни стоматологик даволаш учун тишнинг қаттиқ тўқимаси ҳолатига (“Глуфторэд”), оғиз бўшлиғи шиллик каватига (“Элюдрил”, “Пародиум”, “Фунистатин”) ва оғиз бўшлиғи гигиенаси даражасига (“Элюдрил” ва “Пародиум”) мақсадли таъсирга эга қатор дори воситаларининг комбинацияси танланган,

Чуқур текширувлар ва даволаш учун 80 нафар бола танланди, улар 2 та гуруҳга бўлинди – асосий ва назорат. Назорат гуруҳида анъанавий стоматологик даволаш ўтказилди. Асосий даволаш гуруҳи 3 та гуруҳчага рационал гигиенасига “Эльгидиум” даволовчи пастаси қўшилган. В гуруҳчага - оғиз бўшлиғини даволаш-профилактик антисептиклар билан бирга элюдрил кунига 3-4 марта овқатдан кейин чайиш ва “Эльгидиум” билан рационал гигиенаси киради. С гуруҳчага - оғиз бўшлиғини фақат “Элюдрил” антисептики билан чайиш киради.

Тадқиқотлар СГВ билан касалланган болалар оғиз бўшлиғида юқори кариесогенлик ҳолати сурункали катарал гингивит кўринишидаги пародонт тўқимаси шикастланишининг ривожланишига олиб келиши ҳақида хулоса қилиш имконини беради. Шу муносабат билан биз оғиз бўшлиғи ҳолатига ўтказилаётган даво таъсирини ифодаловчи қатор клиник индексларни ўргандик (1-жадвал).

